

"Энг маърифатли имом" мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби маълум бўлди



16:02 / 30.10.2018 1949

Бугун, 30 октябрь куни "Энг маърифатли имом" мусобақасининг Тошкент шаҳри босқичи ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати [хабар берди](#).

Мусобақа доирасида иштирокчилар бир қанча шартлар бўйича мусобақада куч синашишган. Яқунда эса мусобақа ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари ҳамда дипломлар улашилган.

- Биринчи ўринни Юнусобод туманида жойлашган "Кулол қўрғон" жоме масжиди имом-хатиби Яҳё Абдурахмонов;
- иккинчи ўринни "Ҳазрати Имом" жоме масжиди имом ноиби Ҳабибуллоҳ Абдураззоқов;
- учинчи ўринни Шайхонтоҳур тумани "Зангиота" жоме масжиди имом-хатиби Илҳомжон Мадвалиев қўлга киритди.